БАЙРОҚ МУБОРАК, ТОШКЕНТЛИК ПАХТАКОРЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 186 (6047).
22 СЕНТЯБРЬ
ПАЙШАНБА
1977 ЙИЛ.
Баҳоси 2 тийин.

ПАХТА ТЕРИМИ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1977 йил сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида пахта териш ва давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ М. М. Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ П. Ю. Юсупов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Р. Раҳмонов. «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Х. К. Қосимов, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ С. Д. Киселев, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ У. В. Муслимов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ В. А. Лозицкий) берилди. Бу область пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 42,81 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 40,34 процент, шу жумладан машина теримини 45,69 процент кўпайтиришга эришган. Байроқ Фарғона областидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Бухоро областида** (область партия комитетининг секретари ўртоқ А. К. Каримов. область ижроия комитетининг раиси ўртоқ С. Р. Муродов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Р. Акромов, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Г. О. Захаров, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ В. Е. Каньшин, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ю. И. Косовский, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ А. А. Арсентьев) қолдирилди. Бу область пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 48,54 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 29,97 процент, шу жумладан машина теримини 28,13 процент кўпайтиришни таъминлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

— Тошкент областининг **Пискент районига,** (район партия комитетининг секретари ўртоқ С. Саидалиев. район ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Халилов. район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. О. Азнауров, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Р. Айметдинов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Т. Иброҳимов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ А. Носиров). Бу район пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 62,17 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 58,21 процент, шу жумладан машина теримини 66,34 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Андижон областининг Ленин районидан олиб берилади:

— Тошкент областининг **Бўка районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Т. Исломов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Р. Қодиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ К. Содиқов. «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ А. Н. Парамонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ И. А. Абдиев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ С. Шарапов). Бу район пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 58,92 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 57 процент, шу жумладан машина теримини 65,74 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Бухоро областининг Шофиркон районидан олиб берилади:

— Андижон областининг **қўриқдаги Комсомолобод районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Т. Топволдиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Я. Мўминов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ С. Мамажонов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ К. Исақов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Г. Маҳмудов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Х. Акбаров). Бу район пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 49.57 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 48.57 процент, шу жумладан машина теримини 68,78 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё областининг Ульянов районидан олиб берилади:

— Қашқадарё областининг **Нишон районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Д. Хушназаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Х. Каримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ У. Раҳимов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Д. Турсунов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Мирзаев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ С. Хўжақулов). Бу район пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш умумий йиллик планини 38,63 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 32,12 процент, шу жумладан машина теримини 36,84 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё областининг Косон районидан олиб берилади;

— Сирдарё область, **Ворошилов районидаги «Социализм» совхозига** (совхоз директори ўртоқ А. Мусаев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ У. Ёқубов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ С. Алибоев, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Х. Ваисов). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 69,39 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 66,96 процент, шу жумладан машина теримини 82,75 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё область. Чироқчи районидаги «Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» совхозидан олиб берилади;

— Жиззах область. **Арнасой районининг қўриқдаги Конев номли совхозига** (совхоз директори ўртоқ Б. Эсонбоев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ж. Таппаев. ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Т. Эшқулов, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ У. Эшқўзиев). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 89.77 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 89.77 процент, шу жумладан машина теримини 120.04 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё область, Усмон Юсупов районидаги «Тошкент» совхозидан олиб берилади;

— Қашқадарё область, **Нишон районидаги «Оқ олтин» совхозига** (совхоз директори ўртоқ Р. Тоштемиров, партия ташкилотининг секретари ўртоқ К. Бозоров, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ П. Давлатов, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Т. Ойназаров). Бу совхоз пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш умумий йиллик планини 35.38 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 32,72 процент, шу жумладан машина теримини 55,09 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё область, Ульянов районидаги «Интернационал» совхозидан олиб берилади.

— Тошкент область, **Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Ю. Тўлаганов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Пўлатов, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ М. Йўлдошева). Бу колхоз пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 100.79 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 99,9 процент, шу жумладан машина теримини 106,48 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Фарғона область. Киров районидаги «Москва» колхозидан олиб берилади;

— Бухоро область, **Қизилтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Г. Каримов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Азимова. комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ И. Исломов). Бу колхоз пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш умумий йиллик планини 55,61 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 42.89 процент, шу жумладан машина теримини 31.49 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Сурхондарё область. Термиз районидаги Калинин номли колхоздан олиб берилади.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида пахта йиғим-теримини уюштириш ва давлатга сотиш бўйича районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Юқори Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари М. Қ. Қодиров, район ижроия комитетининг раиси Х. Х. Холиқов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи С. С. Солимухамедов, район комсомол комитетининг секретари И. И. Салимов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси И. И. Каримов ўртоқлар) берилди. Бу районда пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани 42.71 процент, шу жумладан машина терими плани 51.45 процент бажарилиб, сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида 42,71 процент, шу жумладан машина теримида 51.45 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Янгийўл районидан олиб берилади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи Қуйи Чирчиқ районидаги **«Коммунизм» совхозига** (директори А. Чахалов, партия ташкилотининг секретари А. Хасанов, ишчилар комитетининг раиси У. Тоғабоев. комсомол ташкилотининг секретари М. Абдуғаффоров ўртоқлар) берилди. Бу совхозда давлатга пахта топшириш йиллик халқ хўжалик плани 100.18 процент, шу жумладан машина терими плани 100,65 процент бажарилиб. сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида 100,18 процент, шу жумладан машина теримида 100,65 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Чиноз районидаги «Янгиобод» совхозидан олиб берилади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи Қуйи Чирчиқ районидаги **«Ленинград» колхозига** (раиси В. И. Пак, партия ташкилотининг секретари М. Абдураҳмонов. касаба союз комитетининг раиси М. Туролов. комсомол ташкилотининг секретари А. Сафаров ўртоқлар) берилди. Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик халқ хўжалик плани 92.19 процент, шу жумладан машина терими плани 103.71 процент бажарилиб, сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида 92,19 процент, шу жумладан машина теримида 103.71 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан олиб берилади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи Пискент районидаги **Телмьан номли колхозга** (раиси Т. Норматов, партия ташкилотининг секретари У. Душаев. касаба союз комитетининг раиси А. Ҳамроқулов. комсомол ташкилотининг секретари О. Фаликова ўртоқлар) берилди. Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик халқ хўжалик плани 87.26 процент. шу жумладан машина терими плани 93.14 процент бажарилиб, сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида 81.77 процент шу жумладан машина теримида 93.14 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Юқори Чирчиқ районига, Қуйи Чирчиқ районидаги «Ленинград», Пискент районидаги Тельман номли колхозларга ва Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида.

(Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан машиналарда бир кунда; бешинчи устун — мавсум бошидан буён).

Пискент	5,52	62,17	5,84	63,22
Бўка	6,11	58,92	5,57	63,70
Чиноз	5,11	45,27	5,44	40,25
Юқори Чирчиқ	6,45	42,71	7,78	51,45
Янгийўл	5,01	41,86	5,44	29,34
Ўрта Чирчиқ	7,18	41,18	7,66	45,20
Оққўрғон	6,00	40,16	6,50	40,02
Қуйи Чирчиқ	5,15	35,88	5,79	40,46
Бекобод	5,16	35,73	5,60	31,46
Область бўйича	5,60	42,81	6,71	45,89

УЧ дугона — Муҳаббат Сирожиддинова, Любовь Кураедова ва Фарида Турғунбоевалар Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг илғор механик-ҳайдовчиларидан ҳисобланишади. Уларнинг ҳар бири мавсумда ўз агрегатлари бункеридан 180 тоннадан «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олишган. Айни кунларда илғор механизаторлар юқори иш унумига эришиб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлаётирлар.

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

20 СЕНТЯБРГАЧА

Фамилия ва исми	Мавсум бошидан бери терган пахтаси (тонна).	Хўжаликлар	районлар
Турсуной Охунова	248	Киров номли колхоз	Чиноз
Сервер Усеинов	177	«Октябрь 40 йиллиги» колхози	Бўка
Эргаш Азимов	142	Жамбул номли колхоз	Бўка
Холдибек Маликов	136	«Ленинград» совхози	Бекобод
Ким Афанасий	130	«Победа» колхози	Қуйи Чирчиқ
Тўлаган Аҳмедов	123	Тельман номли колхоз	Пискент
Михаил Ковешников	123	«Оққўрғон» совхози	Оққўрғон
Намаджон Нурмуҳамедов	120	«Партия XXII съезди» колхози	Ўрта Чирчиқ
Йўлдош Саидов	118	Охунбобоев номли колхоз	Чиноз
Керман Везиров	118	«Москва» колхози	Қуйи Чирчиқ
Жалил Исаев	118	Тельман номли колхоз	Пискент
Мухвар Муҳамедов	115	«Ленинград» совхози	Бекобод
Пардали Қурбонов	114	«Партия XXII съезди» колхози	Оққўрғон
Ибрай Юсупов	111	Ким Пен Хва номли колхоз	Ўрта Чирчиқ
Ким Владимир	110	«Ленинский путь» колхози	Юқори Чирчиқ

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Хўжаликлар	процент ҳисобида: жами	процент ҳисобида: шу жумладан машинада	районлар
Колхозлар:			
1. «Октябрь 40 йиллиги»	100,79	106,48	Бўка
2. «Ленинград»	92,19	103,71	Қуйи Чирчиқ
3. Тельман номли	87,26	93,14	Пискент
4. Калинин номли	85,68	92,47	Пискент
5. «Гулистон»	79,91	93,28	Пискент
6. «Победа»	78,14	90,51	Қуйи Чирчиқ
7. Охунбобоев номли	74,68	72,26	Пискент
8. Темирязев номли	70,79	71,41	Бўка
9. Ҳамза номли	70,67	77,87	Бўка
10. «Москва»	70,06	81,30	Қуйи Чирчиқ
11. «Коммунизм»	68,99	74,29	Бўка
12. Жамбул номли	67,15	75,09	Бўка
13. «Партия XX съезди»	67,13	63,09	Бўка
14. Ленин номли	66,15	57,89	Пискент
15. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги»	64,86	58,27	Пискент
16. «Қизил Октябрь»	64,69	57,09	Чиноз
17. Охунбобоев номли	62,25	70,51	Ўрта Чирчиқ
18. Свердлов номли	61,13	54,61	Пискент
19. К. Маркс номли	60,72	45,09	Чиноз
20. Ильич номли	59,44	61,87	Бўка
21. «Ленинобод»	56,50	52,02	Бўка
22. «Ленинизм»	56,18	54,96	Бўка
23. «Партия XIX съезди»	55,98	56,21	Бўка
24. «Ленин йўли»	55,87	55,49	Бўка
25. Киров номли	55,50	54,61	Чиноз
26. Энгельс номли	54,88	63,45	Қуйи Чирчиқ
27. «Коммунизм»	54,73	33,70	Янгийўл
28. Охунбобоев номли	54,59	47,00	Чиноз
29. Ленин номли	54,28	21,81	Янгийўл
30. Охунбобоев номли	53,74	54,83	Оққўрғон
31. Фрунзе номли	53,52	51,05	Бўка
32. Энгельс номли	53,49	58,18	Ўрта Чирчиқ
33. Ниёзов номли	52,95	55,69	Янгийўл
34. «Партия XXII съезди»	51,05	51,40	Ўрта Чирчиқ
35. К. Маркс номли	50,86	53,35	Бўка
36. «Ленинизм»	50,83	44,67	Оққўрғон
37. Терешкова номли	48.46	46,63	Ўрта Чирчиқ
38. «Октябрь 40 йиллиги»	47,78	42,84	Чиноз
39. Калинин номли	47,10	41,33	Янгийўл
40. «Победа»	47,09	42,49	Бекобод
41. «Партия XXII съезди»	46,90	43,21	Оққўрғон
42. Димитров номли	46.16	50,00	Қуйи Чирчиқ
43. Ленин номли	45,68	40,22	Бекобод
44. «Ленинский путь»	45,20	54.55	Юқори Чирчиқ
45. Вотинцев номли	45,18	42,38	Оққўрғон
46. Ҳамза номли	44,61	52,09	Қуйи Чирчиқ
47. «Политотдел»	44,42	53,61	Юқори Чирчиқ
48. «Правда»	44,19	53,25	Юқори Чирчиқ
49. «Северний маяк»	43.70	53.35	Ўрта Чирчиқ
50. Калинин номли	43,66	41,54	Оққўрғон
51. Свердлов номли	42,62	51,18	Юқори Чирчиқ
52. Икромов номли	42,56	33,03	Ўрта Чирчиқ
53. «Москва»	42,39	28.06	Чиноз
54. «Интернационал»	41.71	41.25	Янгийўл
55. «Коммунизм»	41.49	31.95	Оққўрғон
56. К. Маркс номли	40.76	48.79	Юқори Чирчиқ
57. «Ленинобод»	40,61	33.18	Оққўрғон
58. «Партия XXI съезди»	40.05	8,91	Янгийўл
59. Навоий номли	39,91	29.27	Бекобод
60. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»	39.88	30.29	Чиноз
61. Ким Пен Хва номли	39.67	47.75	Ўрта Чирчиқ
62. Мичурин номли	38,34	39,30	Бўка
63. Х. Олимжон номли	38,28	34,16	Оққўрғон
64. Ленин номли	38,10	40.70	Ўрта Чирчиқ
65. Куйбишев номли	37,67	28.70	Оққўрғон
66. Куйбишев номли	37.63	40.98	Ўрта Чирчиқ
67. Навоий номли	37.57	25,95	Чиноз
68. Навоий номли	37,49	35,73	Оққўрғон
69. «Озод»	36.74	34.72	Оққўрғон
70. К. Маркс номли	36.53	37,07	Оққўрғон
71. «Ленинизм»	36,42	28,55	Янгийўл
72. Энгельс номли	36.18	35.82	Чиноз
73. Жданов номли	35.03	27,43	Янгийўл
74. «Ўзбекистон»	34,91	42.16	Юқори Чирчиқ
75. Турсунқулов номли	32,30	15.88	Янгийўл
76. Дзержинский номли	31.37	26.42	Бекобод
77. Свердлов номли	31.17	33.00	Ўрта Чирчиқ
78. Киров номли	31,06	36.12	Қуйи Чирчиқ
79. С. Раҳимов номли	30,91	23,95	Чиноз
80. «Коммунизм»	30,29	20,40	Ўрта Чирчиқ
81. Фрунзе номли	29,65	18.60	Янгийўл
82. К. Маркс номли	28,38	31,07	Ўрта Чирчиқ
83. «Коммунизм»	28,35	20.32	Бекобод
84. «Заря коммунизма»	28.24	33,19	Қуйи Чирчиқ
85. «Ленин йўли»	25.74	28,64	Ўрта Чирчиқ
86. Свердлов номли	19,37	22,78	Қуйи Чирчиқ
87. Ленин номли	4,06	4,78	Қуйи Чирчиқ
Совхозлар:			
1. Волков номли	100,28	114.19	Қуйи Чирчиқ
2. «Коммунизм»	100.18	100,65	Қуйи Чирчиқ
3. Бўка техникуми ўқув-хўжалиги	90.00	64.17	Бўка
4. «Янгиобод»	81,00	80,50	Чиноз
5. «Кўкорол»	55,30	66,66	Бўка
6. 2-«Пискент»	52,07	50,80	Пискент
7. «Ленинград»	51,42	44,35	Бекобод
8. 1-«Пискент»	49.80	53,65	Пискент
9. «САМИС»	47,91	51,50	Янгийўл
10. ТИИИМСХ ўқув хўжалиги	47,68	57,70	Ўрта Чирчиқ
11. «Бўка»	46,08	55,87	Бўка
12. «Партия XXIV съезди»	45,28	18.00	Чиноз
13. С. Сегизбоев номли	45,23	45,48	Оққўрғон
14. Мавлонов номли	44.71	43,76	Бекобод
15. «Оққўрғон»	43.02	45,29	Оққўрғон
16. Ойбек номли	37,50	38.59	Бекобод
17. 1-«Далварзин»	36,01	28,55	Бекобод
18. САИМЭ	32,65	34,00	Янгийўл
19. 4-«Далварзин»	28,32	24,89	Бекобод
20. «Партия XXV съезди»	21.77	14.46	Бекобод
21. Киров номли	21.75	24,63	Қуйи Чирчиқ
22. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги»	21,00	23,73	Қуйи Чирчиқ

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

ҲАММАНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

ҲОЗИРГИ кунда бутун мамлакатимизда СССР Конституциясининг янги лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Бу тарихий муҳим ҳужжатда социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ тартибот масалалари кенг ўрин олган. Ҳусусан лойиҳанинг 66-моддасида **«СССР гражданлари болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаши, социалистик жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстириши шарт»** дейилади.

Бу қонуннинг ихчамгина жумлаларида беқиёс мазмун ўз ифодасини топган. Чунки бола тарбияси ниҳоятда қийин ва шу билан бирга энг шарафли вазифадир.

Маълумки боланинг ахлоқ-одоби ёшликдан, асосан оиладан бошланади ва таркиб топади, мактабда шаклланади, Оила, мактаб, жамоатчилик орасида пухта ҳамкорлик ўрнатилса тарбия кутилган натижани беради. Бу кеча ёки бугун яратилган назария эмас, балки кўп йиллар давомидаги ҳаётий тажриба тақозосидир. Мен бир тенгдош дўстимни биламан. Унинг уч фарзанди мактабда шуғулланарди. Қаерда икки оғиз суҳбат билан ўтиришиб қолсак, болаларининг яхши ўқиётганлигини, опасига меҳрибон дастёрлар эканлигини айтиб қувонарди. У ҳатто мактабда ўтказилган кечалардан, ўғли ўқиётган синфда қайси боланинг хулқи қанақа эканлигидан хабардор эди. Бир куни ундан мактаб ҳаёти билан шунчалик яқинлашишга қандай қилиб улгуришини сўрадим.— Жуда оддий у, —ҳар ўн беш кунда бир марта мактабга бораман, хулқини суриштираман. Ўқитувчилар билан суҳбатлашиб қайтаман. Улар билан фикримнинг бир жойдан чиқишига интиламан.

Таниш дўстим билан бўлган бу суҳбатга анча вақт бўлиб кетди. Ҳозир унинг учала фарзанди ҳам вояга етган. Иккитаси заводда ишлаб, университетнинг кечки факультетида ўқийди. Биттаси инженер. Болаларнинг хушмуомалалиги, маҳалла-кўйга, қўни-қўшни, қариндошларга бўлган самимий муносабати ва мулозиматини кўриб ҳавас қиламан. Албатта жамиятимизда тарбия билан изчил шуғулланадиган оилалар кўп. Уларнинг фарзандлари меҳнатсевар, ҳалол бўлиб ўсмоқдалар. Бошқача қилиб айтганда социалистик жамиятнинг баркамол гражданлари бўлиб етишмоқдалар.

Лекин афсус билан айтиш керакки, ҳали бола тарбиясига совуққонлик билан қараётган, келажакни ўйламай иш тутаётган оилалар ҳам мавжуд. Улар ўз фарзандларининг тақдири билан ёшликданоқ қизиқмайдилар, болаларни ўз ҳолига ташлаб қўядилар. Кейинчалик эса пушаймон айтиб зорланадилар. Танаси йўғонлашган дарахтни эгиш қанчалик қийин бўлса, безориликда «суяги қотган» болани эгиш ҳам шунчалик мушкул.

Мана яқинда бир оилада бўлиб ўтган бемаъни жанжал орқасида катта фожиа рўй берди. Анатолий Тюменцовнинг ўқиши, кимлар билан дўстлашиши, янги-янги кийимларни қаердан олиб кийиши билан ота-онаси ҳеч қизиқмасди. У кечаси алламаҳалда уйига қайтишига қарамай оилада ҳеч ким боланинг юриш-туришини назорат қилмасди. Янгийўл шаҳрида истиқомат қилувчи 17 ёшли бу йигит тез-тез маст бўлиб келадиган одат чиқарди. 1976 йил 14 июнь куни маст ҳолда безорилик қилгани учун 3 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Лекин унинг ёшлигини ҳисобга олиб ота-оналарининг илтимосига кўра бу жазо 3 йиллик шартли жазо билан алмаштирилди. А. Тюменцов бундан хулоса чиқармади. У ҳеч қаерда ишламагани ҳолда ўқишни ҳам ташлади. Натижада олдинги қилган жиноятидан оғирроқ жиноят қилишигача бориб етди. Шу йилнинг 13 майида ўзининг безори шериги Мансур Муҳамеджонов билан биргаликда 60 ёшли аёлни уриб ўлдирди. Тарбияга совуққонлик билан қараш натижаси шу куни яққол кўринди. Қотиллар одил суд олдида жавоб бериб, қилмишларига яраша жазо олдилар. Бу масаланинг бир томони, масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, оила аъзолари ҳам, жамоатчилик ҳам Тюменцовга нисбатан илгари лоқайд бўлмаганида бундай кўнгилсиз воқеа рўй бермаган бўларди. Тюменцовнинг онаси Зинаида Янгийўл шаҳрининг истироҳат боғида бухгалтер бўлиб ишлайди. Лекин у бирон марта фарзандининг қилмишлари билан қизиқиб кўрмаган.

Ҳаётий тажриба тарбиянинг муҳим бир олтин халқалари мавжудлигини кўрсатиб келмоқда. Қаерда мактаб, оила бир-бири билан узвий экан шу ерда тарбия кўнгилдагидек бўлади. Совет педагоги А. С. Макаренко «Ёшларни тарбиялаш осон иш эмас, лекин бу вазифа икки коллектив — яъни мактаб ва оиланинг дўстона ҳамкорлигида бажариладиган вазифадир» деган эди.

Тарбияда ота-онанинг бирбирига бўлган муносабати, ака-укалар, опа-сингилларнинг аҳиллиги муҳим роль ўйнайди. Бир-бирларига иззат билан муомалада бўлган оилаларнинг фарзандлари қувноқ ва ақлли бўладилар. Улар меҳнатсевар, оқибатли бўлиб ўсадилар. Оилада бир болани иккинчисидан ортиқ ёки кам кўриш ҳам тарбияга салбий таъсир кўрсатади. Масалан, баъзи оилаларда қиз кўп бўлиб ўғил эса кам бўлади, баъзисида аксинча. Ана шундай пайтларда болаларга нотўғри муносабатда бўлиш натижасида кўпинча «арзандаси» ота-онани куйдирадиган, юзини ерга қаратадиган чиқади.

Ўғил ҳам, қиз ҳам бизнинг фарзандимиз, бизнинг ор-номусимиз, номимизни абадийлаштирадиган зурриётимиз. Биз уларни тенг кўришимиз, ардоқлашимиз, чинакам оналик, оталик меҳри билан севишимиз, камолотга етиштиришимиз керак.

Шундай оталар борки ўзларининг оила, фарзандлари олдидаги бурчларини унутиб қўядилар. Виктор Юрьевич Бондаренко Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилади. У қурилиш ташкилотида шофер бўлиб ишларди. Ичкиликка ружу қўйди, оиласини ҳам тарк этди. Лекин фарзандларига ёрдам бермади, кейин хотини уни судга берди. 1970 йил 23 апрель куни Чирчиқ шаҳар суди ажрим чиқариб ойлигидан 25 процент нафақа ундиришга қарор қилди. Аммо Бондаренко 2 йилу 9 ой давомида нафақа тўламади. Суд унинг бу қилмиши учун 1 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этди. Оталик бурчини унутган бундай бағритошларга нисбатан муросасиз бўлишимиз керак.

Турмуш фаровонлигимиз ошган сари, кишиларнинг меҳнатга муҳаббати кучайгани сари жамиятимизда безорилик ҳоллари камайиб бормоқда. Лекин 60 йиллик жўшқин ҳаёт йўлини босиб ўтган буюк мамлакатимизда ана шу безориликнинг саноқли даражада учрашига ҳам кескин зарба беришимиз лозим. Бунинг учун ҳар бир ота-она ўз бурчини яхши тушуниши, фарзандларининг кундалик ҳаёти билан яқиндан таниш бўлиши, мактаб, жамоатчилик, маҳалла-кўй билан ҳамкорликда иш юритиши зарур.

Область маъмурий органлари хизматчилари ички ишлар бўлимининг болалар инспекторлари, комсомол, касаба союз ташкилотлари кенг жамоатчилик ёрдамига таянган ҳолда ўсмирлар орасида тарбия ишларини кучайтириб боришлари керак.

Ф. ФОЗИЛОВ,
Тошкент область прокурорининг ўринбосари, адлия бош маслаҳатчиси.

ТАШАББУСКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ

МАРДОННИНГ МАРДОНА ОДИМЛАРИ

У область партия комитетининг биносидан чиққанида қиш бўлишига қарамай қуёш чарақлаб кулиб турган эди. Қуёшнинг заррин нурлари рўпарадаги гулзор ўрнини қоплаган оппоқ қор бетида жимирлаб-ялтираб кўзни қамаштиради. Баланд зинада бир зум тараддудланиб туриб қолди. Ҳозир унинг қалбида ҳам қуёш порламоқда эди. Руҳи енгил, кайфи чоғ. Ахир қувонмасинми, минглаб, ўн минглаб оддий ишчиларнинг бири у. Уни бугун ҳурмат-эътибор билан обкомга чақиришди, яхши ишлаётгани учун раҳмат айтишди, областдаги энг илғор 10 ишчининг бири сифатида ташаббуси маъқулланди. Улар —ўн фидокор Улуғ Октябрь байрамигача 3—4 йиллик шахсий топшириқни бажариш бўйича зиммаларига оширилган мажбурият олдилар. Мана бу ташаббусни область партия комитети маъқуллади.

— Хамдамов, кетдик, нега ҳаёл суриб қолдингиз?

Мардон ёнига ўгирилиб қаради. Ҳамшаҳри, пешқадам қурувчи Любовь Измайлова чеҳрасида шўх табассум билан келиб унинг билагидан тутди:

— Кетдик.

Люба ҳам ўн ташаббускорнинг бири. Мардон унинг номини эшитиб, газеталарда ўқиб юрарди-ю, ўзини кўрмаганди. Бугун Чирчиқ шаҳрининг икки илғор, фидокор кишиси Тошкентда танишиб олдилар.

Улар биргалашиб зинадан пастга тушишди.

Мардон Хамдамов — «Узбекхиммаш» заводининг темирчиси, бригадир, Любовь Измайлова 160-қурилиш тресте «Жильстрой» бошқармасининг пардозловчиси, звено бошлиғи.

М. Хамдамов Улуғ Октябрь байрамигача тўрт йиллик, Л. Измайлова ҳам тўрт йиллик шахсий нормани бажариш мажбуриятини олишди.

Одам одатда иши билан алоқадор қувончли дамларида ўтмишини, меҳнат фаолияти давомида босиб ўтган йўлни ўйлашга мойил бўлади. Мардон акани ҳам ҳаёл болалик йилларига олиб кетди. Бир минг тўққиз юз эллик биринчи йил эди. Мўйлаби энди сабза урган Мардон ўзи туғилиб ўсган Самарқандда ҳунар-техника билим юртини тугатди. Темирчи касбини эгаллади. Уни бир гуруҳ тенгдошлари билан Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводига юборишди. Ўз касбини севган, меҳнатга чанқоқ йигит тез кунда бу ердаги ишчилар эътиборини қозонди. Цех коллективи аъзолари ҳам унга жуда ёқиб қолди ва... шу ерда қолиб кетди.

Мана, ўшанга ҳам чорак асрдан зиёд вақт ўтибди. Умр оқар дарё, деганлари шу бўлса керак-да. Худди кечагина эди Чирчиққа келгани, улкан пресслаш станоклари рўпарасида юраги увишгани... Энди билса, дастлаб бу станокларни кўрганида масъулият ҳиссидан юраги увишган экан. Одам ўз зиммасида масъулиятни ҳис этдими, демак у ўша ишни қойилмақом қилиб уддалайди. Чунки масъулият изланишга, астойдил ҳаракат қилишга, диққат-эътиборни ўша ишга қаратишга ундайди одамни. Мардон Ҳамдамов ҳам худди шунақа, ўз ишини қойилмақом бажариб келаётган ишбилармон, фидокор киши.

У тонг саҳарлаб цех дарвозасидан кириб боракан, шогирди Халил пешвоз келди:

— Мардон ака, табриклайман!

— Раҳмат, раҳмат, сени ҳам табриклайман.

— Ие, нима билан?

— Разряд билан-да.

— Раҳмат...

Ҳалил Халимов бундан икки ой муқаддам заводга келиб, унга шогирд тушган эди. Ўзининг зийрак ва ҳаракатчанлиги, устозининг меҳрибонлиги туфайли қисқа муддат ичида мустақил ишлашга ўтди. Кеча сменадан кейин малака ошириш комиссиясига имтиҳон топшириш учун қолган эди. Устоз сабри чидамай кеча кечқуруноқ бирга ишлайдиган қўшнисидан имтиҳон натижасини сўраб билган эди...

Дарвоқе, Мардон Ҳамдамовнинг Октябрь юбилейи шарафига зиммага олган мажбуриятида икки шогирдни мустақил ҳаётга — мустақил ишлашга тайёрлаш мажбурияти ҳам бор...

Бригадада 3 киши меҳнат қилади. Темирчи — Ҳамдамов, Мавлон Раззоқов — ёрдамчиси ва станок машинисти Васфия Маназарова. Уларнинг иш қуроли — 1 тонна куч билан урадиган улкан пресслаш станоги. Бригададаги аҳиллик, ҳар кимнинг ўз вазифасини пишиқ-пухта бўлиши ва сидқидилдан ишлаш натижасида кунлик ва ойлик топшириқлар мунтазам ортиғи билан бажарилмоқда.

Шу йилнинг бошида бригадирнинг ташаббуси маъқулланиши бригада аъзоларини янги марралар сари илҳомлантирди. Наинки бригада, бутун темирчилик — пресслаш цехининг коллективи ўз ҳамкасбларининг шуҳратидан фахрланиб, кўтаринки кайфият билан ишлай бошладилар.

Бригадада химия машинасозлиги корхоналари учун тайёрланадиган машина ва аппаратларнинг деталлари ишлаб чиқарилади. Бу иш ўз соҳибларидан юқори аниқлик ва юксак сифатни талаб қилади. Ташаббускор бригадирнинг коллективида ишчи номини шарафлайдиган ана шу фазилатларнинг ҳаммаси мавжуд. Бу йил улар ишлаб чиқарган минглаб деталларнинг ҳали биронтасидан нуқсон топилгани йўқ.

Мардон Ҳамдамовнинг узоқ йиллик самарали меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени, III-даражали Меҳнат шуҳрати ордени ва бирқанча медаллар кавалери.

Мардоннинг умр йўлдоши Бўрихон ҳам шу корхонада, шу цехда ишларди. Меҳнат қучоғида танишиб, турмуш қуришган. Ҳозир бу аҳилиноқ ишчи оилада уч ўғил, уч қиз бор. Яқинда Мардон ака бува, Бўрихон опа буви бўлишди, қизлари Рихсихон қиз кўрди. Ўғиллари Акром индустриал техникумнинг студенти, Султон 12-ҳунар-техника билим юртида таълим оляпти, автослесарь бўлади. Бир сўз билан айтганда, ишчи оиланинг ишчи аъзолари сони тобора кўпайиб бормоқда.

— Ҳамдамов ва унинг бригадаси бригадалараро социалистик мусобақанинг доимий пешқадами,— дейди цех партия ташкилотининг секретари Э. Тошпўлатов,— Ҳамдамов ташаббусига яраша зарбдор меҳнат қилаяпти. Улар зиммага олган юксак мажбурият — Улуғ Октябрь 60 йиллигигача тўрт йиллик топшириқни бажариш арафасида турибдилар...

Мардон мардона одимламоқда.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

АСРИМИЗНИНГ БУЮК ВОҚЕАСИ

Область идеология кадрларининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги ва ҳозирги замон» мавзуидаги илмий-амалий конференцияси тавсиялари.

Совет кишилари, бутун прогрессив инсоният XX асрнинг буюк воқеаси бўлмиш Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини тантанали равишда нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. 60 йил ичида Советлар мамлакати, бутун планетада таниб бўлмас даражада ўзгарди. Социализмнинг жаҳон системаси пайдо бўлди ва мустаҳкамланди, халқаро коммунистик ҳаракат кенг қулоч ёйди, ишчилар синфи курашини янада кенгайтириш истиқболлари очилди, миллий озодлик ҳаракатлари кучайди.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида бутун ташкилий-ватанпарварлик ва ғоявий-сиёсий ишларни янада ривожлантириш мақсадида область илмий-амалий конференцияси ҳар бир меҳнат коллективи, маданият саройлари ва уйлари, меҳнаткашларнинг турар-жойларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тарихий аҳамиятини пропаганда қилишни кучайтириш, партия комитетларининг сиёсий докладчилари, штатсиз лекторлари, «Билим» жамияти аъзолари ишини янада яхшилашни тавсия қилади. Уларни Улуғ Октябрь, унинг ҳозирги замонга таъсирини ифодаловчи материаллар билан таъминлаш лозим.

Конференция таъкидлайдики, шонли санага тайёргарлик давомида марксизм-ленинизм ғояларини кенг пропаганда қилиш, янги жамият қуришда халқ оммасининг ҳал қилувчи ролини кўрсатиш, Октябрь революцияси, СССРда социализм қуришнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган КПСС ролини ҳар томонлама тараннум этиш, революция доҳийси, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси ва раҳбари В. И. Ленин ролини алоҳида кўрсатиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий, маданий-оммавий ишлар давомида СССР-нинг ташкил қилиниши ва ривожланиши КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси эканлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Бунда пропагандистлар мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларининг характери, структураси ва жойланишидаги силжинишларни, фан ва техника, маданият ва санъатдаги юксалишларни тўлақонли мисолларда ифодалаб беришлари зарур. Улуғ Октябрь ғоялари ва аҳамиятини оғзаки ва матбуотда пропаганда қилганда мамлакатимизда ривожланган социалистик жамиятнинг қурилиши совет кишиларининг фидокорона меҳнати, пролетар революцияси бунёдкорлик вазифаларининг муваффақиятли ҳал этилиши якунлари эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Пропаганда ишлари меҳнаткашларда ватанпарварлик, интернационализм, коллективизм, ўртоқлик хис-туйғуларини камол топтиришга, совет кишиларининг социал-сиёсий активлигини оширишга хизмат қилмоғи лозим.

Конференция Улуғ Октябрь ғоялари ва аҳамиятини коммунистик қурилиш практикаси билан узвий боғланган ҳолда пропаганда қилишни тавсия этади. Токи, пропаганда ишларимиз меҳнаткашлар куч-ғайратини КПСС XXV съезди қарорлари ва ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишга хизмат қилсин. Бунда КПСС социал иқтисодий сиёсати мазмунини ҳар томонлама чуқур очиб бериш, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги ютуқларини аниқ ва равшан кўрсата билиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини янада оширишга хизмат қилувчи резервларни очиқ-ойдин кўрсатиш зарур. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан белгиланган ташкилий ва сиёсий тадбирларда КПСС XXV съезди белгилаб берган йўлга — СССР иқтисодий ва мудофаа қудратини доимо мустаҳкамлаш, социалистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш, коммунизм сари олға томон бораётган йўлимизга партиянинг содиқлигини ифодалаб бериш керак.

Конференция мамлакатимиз Асосий қонуни лойиҳасини кенг пропаганда қилишга барча идеология кадрларини актив жалб этиш лозим деб ҳисоблайди. Лекторлар, докладчилар оғзаки ва матбуот орқали чиқишларида социалистик демократия, ҳақиқий эркинлик ва гражданлик бурчи, коллектив ва шахс, бурч ва мажбурият бирлиги кабиларнинг туб мазмунини очиб беришлари керак.

Конференция меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялашда, совет социалистик турмуш тарзини қарор топтиришда Улуғ Октябрнинг тарихий аҳамиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим деб ҳисоблайди. Бунда социалистик демократиянинг капиталистик демократиядан, социалистик турмуш тарзининг капиталистик турмуш тарзидан устунлигини ҳар томонлама ишонарли фактларда кўрсата билиш, миллатчилик ва ирқчиликнинг реакцион моҳиятини очиб ташлаш керак.

Конференция тавсияларида лекция пропагандаси форма ва методларини янада такомиллаштириш, амалда синовдан ўтган халқ университетлари машғулотлари, циклли лекциялар ўқиш, лекторлар куни, тематик кечалар, савол-жавоблар, конференциялар, мунозалар ўтказиш лозимлиги уқтирилган. Меҳнаткашларнинг барча табақаларини ўтказилаётган тадбирларга кенг жалб этиш, Октябрь ғояларини ҳар бир киши онгига етказиш лозим. Пропаганда ишларининг оммавийлигини таъминлашда маданият саройлари ва уйлари, клублар ва кинотеатрлар, кутубхоналар ва агитпунктлар, дала шийпонлари ва қизил бурчаклар, агитация майдонлари ва маҳалла комитетлари катта роль ўйнашлари мумкин.

Конференция Улуғ Октябрь ғоялари ва аҳамиятини пропаганда қилишда турли форма ва методлардан унумли фойдаланаётган энг яхши пропагандистлар, лекторлар, докладчилар тажрибасини мунтазам оммалаштириб боришни тавсия қилади. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш керак.

Улуғ Октябрь ғоялари ва аҳамиятини пропаганда қилишда партия ташкилотлари ва «Билим» жамияти ташкилотларининг СССР ва Ўзбекистон ССРнинг 50 йиллиги, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик ва уларни ўтказиш даврида тўплаган тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Конференция қатнашчилари Улуғ Октябрь ғоялари ва аҳамиятини кенг пропаганда қилиш бутун оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилашга, область меҳнаткашларини партия белгилаб берган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этишга хизмат қилади, деб қатъий ишонч билдирадилар.



Ўзбекистон Энергетика ва автоматика илмий-текшириш институти йирик тадқиқот ўчоқларидан бирига айланган. Бу ерда халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган турли мавзуларда илмий ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, саноат ва энергетика масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар яхши самаралар берди. Суратда: институтнинг катта илмий ходими, техника фанлари кандидати Тўлаган Камолов лабораторияда.

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотоси.

ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР

Янгийўлликлар сафимизда қолоқлар бўлмасин ташаббуси билан чиққан эдилар. Ҳар бир ишчи-хизматчи ана шу шиорга содиқ қолиб, умумхалқ ишига муносиб ҳиссасини қўшаяпти.

Шаҳар саноатчилари йил охиригача пландан ташқари 7 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз берган эдилар. Ҳозироқ 5,5 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди. Ёғ-мой комбинати аҳли йил охиригача пландан ташқари 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган эди. Улар ҳозироқ ана шу маррани эгаллаш олдида турибдилар. Совун цехи икки йиллик топшириқни бажаришга муваффақ бўлди.

Пойафзал фабрикаси ишчи-хизматчилари ҳам юбилей йилида меҳнатда янгидан-янги зафарларга эришмоқдалар. Ҳозирда ўн тўққиз хил маҳсулот давлат Сифат белгиси билан халққа армуғон этиляпти. Шу йилнинг ўзида 35 хил янги модель ўзлаштирилди. Пойафзалчилар шу кунгача пландагидан 250 минг сўмлик кўп маҳсулотни харидорларга жўнатишди.

Биохимия заводи аҳли ҳам кундан-кунга самарали меҳнат қилмоқда. Коллектив юбилей йилида пландан ташқари 70 тонна ачитқи ишлаб чиқаришга аҳд қилган бўлса, ҳозироқ 100 тонадан ошиқ шундай маҳсулот халқ хўжалигига етказиб берилди.

ФАХРЛАНАМИЗ

Ўнинчи синфда ўқиб юрган кезларимиз эди. Синфимизга ўқитувчилар, ота-оналар, саноат корхоналарининг вакиллари тўпланишди. Суҳбат мавзуи касб танлаш ҳақида борар эди. Шунда кўпгина синфдошларим институт, техникумларга кириб ўқиш, айримлари завод ва фабрикаларда ишлаш ниятида эканликларини айтдилар.

Йиғилишда қатнашган турли касбдаги кишиларнинг бизларга берган маслаҳатлари замирида «интилганга толе ёр, ҳамма нарса ҳаракатга боғлиқ, жамиятимизда инсон қўлини қаерга узатса етади, бунинг учун барча имкониятлар мавжуд», — деган мазмунни уқиш мумкин эди.

Мана, ўшандан буён тўрт йил ўтди. Кўплар қатори мен ҳам орзум ушалиб, Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетига ўқишга кирдим. Эндиликда V курс талабасиман. Студентликнинг ўзига хос файзли онлари кўп. Ҳақиқий, беғубор дўстликнинг, жўшқин меҳнат симфониясига бўлган садоқатнинг, интернационал руҳ касб этувчи бузилмас ҳамкорликнинг унутилмас фурсатлари талабалик йиллари билан боғлиқ.

Ўтган тўрт йил ичида биз студентлар учун беқиёс даражада ғамхўрликлар яратилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Олган билимларимизни мустаҳкамлаш учун бой лабораториялар, катта кутубхона, оширилган стипендия тўлаш, шинам ётоқхоналар, кино-театр бинолари, маданият уйи... Кулайликларнинг ҳаммасини санаб тугатиб бўлмайди.

Илм масканида ўқиш, дам олиш, жамоат ишларида актив қатнашиш учун яратилган барча имкониятлар асосида социалистик тузум берган буюк бахт ўз ифодасини топган. Бизга бундай имтиёзларнинг ҳаммасини Совет Конституцияси берди. Шунинг учун ҳам биз студентлар янги Конституция лойиҳасини зўр мамнуният билан кутиб олдик.

Ҳаётимизнинг асосий қонуни лойиҳасида СССР гражданларининг илм олиш ҳуқуқлари янада кенгайтирилган. Унинг 45-моддасида **«СССР гражданлари илм олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ илм олишнинг ҳамма турлари бепуллиги, ёшларга умумий мажбурий ўрта таълим бериш амалга оширилиши, ўқитишни ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан боғлаш асосида ҳунар-техника таълими, ўрта махсус ва олий таълимни кенг ривожлантириш билан, сиртқи ва кечки таълимни ривожлантириш билан, ўқувчиларга ва студентларга давлат стипендиялари ва бошқа имтиёзлар бериш билан; мактаб дарсликларини текин бериш билан: мактабда она тилида ўқитиш имкониятини яратиб бериш билан, касб танлашга йўллаш системасини ривожлантириш ва меҳнаткашларнинг мустақил илм олишлари учун шароит яратиб бериш билан таъминланади»,** —дейилади. Конституциянинг юқорида баён этилган моддасидаги СССР гражданларининг илм олиш ҳуқуқлари жамиятимизда шу кунга қадар тўлиқ амалга оширилган.

Студентлар орасида «Студентлик олтин даврим» деган гап бор. Ҳақиқатдан ҳам Улуғ Октябрь революцияси берган озодликда, совет тузумида ёшликнинг энг мароқли дамлари студентлик йиллари бўлиб қолди. Олий ўқув юртларида бепул таълим беришдан ташқари студентларни ўз билимларини мустаҳкамлашлари учун ҳам қатор эркинликлар берилган. Жумладан, факультетимизда ҳар йили ўтказилиб туриладиган студентлар илмий жамиятининг фаолиятини мисолга олиш мумкин. Бунда студентлар ўзлари қизиққан темалар устида мустақил ишлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Университетда биз қардош республикалар ва чет эллик студентлар ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятига эгамиз. Яқиндагина «Биз — ленинчи интернационалистлармиз» шиори остида бўлиб ўтган «Университетлар дўстлиги» ҳафталиги студентларда катта таассурот қолдирди. Бу фестивалда мамлакатимиздаги йигирмага яқин университетдан делегатлар қатнашди. ГДР, Польша, Чехословакиядаги Лейпциг, Ягеллон, Карлов университетларидан меҳмонлар келишди. Ҳафталикда Тошкентдаги олий ўқув юртларида билим олаётган студентлар билан бирга хорижий мамлакатлардан келган ва бизда таълим олаётган студентлар ҳам қатнашдилар.

Бу ҳафталикнинг чинакам катта байрамга айланиб кетишида тузумимизнинг, бахт қомуси Конституциянинг буюк демократик қудрати яна бир бор намоён бўлди. Биз бундай улуғвор мамлакатда яшаётганимиз билан фахрланамиз. Ватанимизга меҳр-муҳаббатимиз ортиб бораверади.

М. ҚУДРАТОВА,
ТошДУ студенти.




«Ленинский путь» колхози дала гвардиячилари Юқори Чирчиқ райони хўжаликлари орасида биринчи бўлиб машина теримини бошлаб юборган эдилар. Айни кунларда биринчи бригада аъзолари ўзаро меҳнат беллашувида пешқадамлик қилмоқдалар. Бунда Владимир Ким, Марк Цой ва Алексей Катрия сингари механизаторларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Улар кунига бригада хирмонига 7—8 тоннадан дурдона тўкмоқдалар. Суратда: (ўртада) илғор механизатор Владимир Ким.

А. Абалян фотолари.

ҚУВОНДИҚНИНГ ҚУВОНЧИ

Қувондиқ Ўсаров колхознинг Қаюм Иброҳимов бошлиқ бригадасининг моҳир сувчиси. У ёз бўйи тер тўкиб меҳнат қилди. Ғўзаларни қондириб суғорди. Шода-шода кўсаклари бодроқдек очилиб, пахтазорни безаб турган мўл-кўл «оқ олтин» ҳосилида унинг муносиб ҳиссаси бор.

Мана, бугун у белига этак боғлаган. Мавсумда кам деганда 5 тоннага етказиб «оқ олтин» термоқчи. Бригаданинг йўл чеккасидаги карталари. Холтурсин Қидирбоев, Кароматт Холтурсунова, Ашир Бўсинова, Хайри Ҳамдалиева, Нурсулув Эргашева, Шарофат Иброҳимова, Бувинисо Ҳамдамова каби кўпмингкилограммчи чевар теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларнинг ҳар бири тушгача 60—70 килограммдан пахта териб қўйишди.

— Сизнинг пахтангиз 80 килограммга етди,— деди табелчи Эркин Қулбеков Қувондиқ ака келтирган бир этак пахтани тортиб олар экан.— Ғайрат қилсангиз, кечгача 150 га етказасиз.

— Ниятим ҳам худди шундай,— деди Қувондиқ Ўсаров.— Шу пайт кўчани тўлдириб терим машиналари ўта бошлади.

— Ҳорманг, Қувондиқбой. —деди механизаторлардан бири моторнинг овозини сал пасайтирар экан,— хирмонга барака!

— Хирмонга барака киритадиган сизлар,— деди Қувондиқ. бизлар шунчаки...

— Камтарлик қилманг,— деди механизатор йигит,— довруғингизни эшитдик. Кеча энг кўп пахтани сиз терибсиз. Мусобақада ғолибликни қўлга киритибсиз...

Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз далаларида йиғим-терим тобора қизғин тус олмоқда. Колхоз пахтакорлари 1050 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар. Баёнқул Раҳмонов, Мамадали Исломов, Рашид Раззоқов, Мамажон Ҳайдаров ўртоқлар бошлиқ бригадалар 50 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Бу йил ҳосилнинг кам деганда 80 проценти машинада териб олинади. Ҳозир далаларда ўндан ортиқ терим машиналари ишлаб турибди. Ҳар бир машина билан кунига 6—7 тоннадан ошириб пахта терилмоқда. Машиналар чиндан ҳам хирмонга барака киритмоқда.

Юбилей йили меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Аҳрор Қурбонов бошлиқ бригада аъзолари эса районда биринчилар қаторида йиллик пахта тайёрлаш планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Янги очилган 30 гектар қўриқ ерга экилган пахтанинг ҳар гектаридан 26 центнердан ошириб ҳосил олинди. Бунда механик-ҳайдовчилардан Темир Жуманов, Пўлат Асроров, Ражаб Маҳкамовларнинг самарали меҳнатини алоҳида қайд қилиш керак. Улар бир теримда гектаридан 26 центнердан ҳосил йиғиб олдилар. Бригада аъзолари ҳосил чўғини чамалаб кўриб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Бригадада 70 гектар ерга маккажўхори экилган эди. Ҳар гектаридан кам деганда 100 центнердан «қаҳрабо дон» топшириш ташаббуси билан чиққан бригада аъзолари ўз сўзларининг уддасидан чиқдилар. Маккажўхори ҳосилдорлиги 105 центнердан ошиб кетди.

— Биз,— дейди колхоз раиси Назирқул Набиев,— йиллик планни 12 иш кунида бажарамиз. Ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил топшириш юзасидан зиммага олинган мажбуриятни эса узоғи билан 10 октябргача адо этамиз. Давлатга топшириладиган 4200 тонна пахтанинг 400 тоннаси машиналарда терилади.

Йиғим-теримни намунали ўтказиш учун барча тадбирлар кўрилмоқда. Оммавий-сиёсий ишлар ҳам ана шу мақсадга бўйсундирилган. Участкалар, бригадалар, механик-ҳайдовчилар колхозчилар ўртасида ишлаб чиқилган мусобақа шартларига қатъий амал қилиняпти. Энг илғор механик-ҳайдовчилар шарафига колхоз марказида Қизил байроқ кўтарилаётир. Илғорларни мукофотлаш учун колхоз правлениеси 3500 сўм маблағ ажратган. Мукофотлар дала шийпонларида тантанали равишда топширилмоқда. Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Илғорлар тажрибаси оммалаштириб борилмоқда.

Б. ХАЛИЛОВ,
Н. РИХСИЕВ.

Дунё овози — чет эл хабарлари

ДЎСТОНА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

● СОФИЯ. Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи бу йил болгар театри учун асосий воқеа бўлади. Шонли сана София театрларининггина эмас, балки мамлакатдаги кўпгина бошқа шаҳарлар театрларининг репертуарида ҳам ўз ифодасини топган. Қирқдан ортиқ пьеса Октябрь юбилейига махсус тайёрланган.

Булар орасида совет драматургиясининг «Тор-мор», «Эскадра ҳалокати», «Очилган қўриқ», «Интервенция» каби классик асарлари бор.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган пьесалар совет драматургияси фестивалида намойиш этилади. Бу фестивалда Болгариянинг барча драма театрлари иштирок этади. Фестиваль мамлакат маданий ҳаётида катта воқеа бўлади.

КАМБАҒАЛЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон коммунистик партияси миллий кенгашининг бош секретари Ражешвара Рао мамлакат меҳнаткашларини, барча тараққийпарвар кучларини ҳинд аҳолисининг кўп сонли ғоят эзилган қисми харижанларни— камбағаллар ва қишлоқ хўжалик ишчиларини ҳимоя қилиш йўлидаги курашни кучайтиришга даъват этди. Р. Рао Ҳиндистон коммунистик партияси пойтахт ташкилотининг ташаббуси билан бу ерда «харижанларни ҳимоя қилайлик» деган шиор остида ўтказилган конференцияда нутқ сўзлаб, қуйидагиларни айтди: Ҳиндистон Компартияси ва унга эргашиб бораётган оммавий касаба союз ташкилотлари, студентлар, хотин-қизлар ташкилотлари ўтган йиллар давомида мамлакатда ер ислохотини амалга ошириш учун сабот-матонат билан курашиб келдилар. Ҳиндистон коммунистик партияси ва мамлакатдаги барча тараққийпарвар кучларнинг оммавий ҳаракати натижасида Ҳиндистон миллий конгресснинг собиқ ҳукумати йирик ер эгаларининг ортиқча ерларини қисман мусодара қилиб, асосан харижанларга тақсимлаб бериш йўлини тутган эди.

Аммо ҳозирги вақтда қулоқлар ва помешчиклар ҳимоясиз қишлоқ камбағаллари қўлидаги жуда оз ер участкаларини ҳам зўрлик билан тортиб олмоқдалар. Қишлоқ камбағаллари қаршилик кўрсатган тақдирда, деб сўзини давом эттирди Ражешвара Рао, уларни азоблаб ўлдирмоқдалар.

Конференцияда қабул қилинган резолюция мамлакат ҳукуматига мурожаат қилиб, харижанларни ҳимоя этиш юзасидан самарали чоралар кўришни. жумладан содир бўладиган ҳар қандай жабр зулм учун маҳаллий маъмурлар ва полиция вакилларининг зиммасидаги масъулиятни кучайтиришни талаб этди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● БРЮССЕЛЬ. Бельгияда коммунистик партия фондига маблағ тўплаш кампанияси муваффақиятли ўтмоқда. Бу кампанияда БКПнинг Льеж федерацияси коммунистлари актив иштирок этмоқдалар.

Льеж ва унинг атрофидаги районларнинг аҳолиси ўртасида коммунистик партия активлари 526 минг Бельгия франки йиғдилар, Льеж коммунистларининг бу муваффақияти коммунистик партиянинг мамлакат меҳнаткашлари ўртасида обрў-эътибори ўсганлигидан далолат беради.

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШ аҳолиси шу йилнинг январь ойида 216 миллион кишини ташкил этди. Аҳолини рўйхатга олиш бюросининг ахборотида шу ҳақда айтилади. Аҳолининг сони бир йилда 1,6 миллион кишига кўпайган.

● БАЙРУТ. Қувайт ҳукумати Американинг «Америкэн индепендент ойл компани» нефть компанияси мулкини национализация қилишга қарор қилди.

Қувайт ҳукуматининг мамлакат нефть ресурслари устидан тўла контроль ўрнатиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ. 1975 йилда муайян товон эвазига ғарбнинг «Бритиш петролеум компани» ва «Галф ойл корпорейшн» нефть компанияларига қарашли конлар ва асбоб-ускуналар миллий нефть кампанияси ихтиёрига топширилган эди.

(ТАСС).

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз механизатори Ғафур Каримов юбилей йилида ўз агрегати билан 250 тонна пахта теришга аҳд қилган. Мажбуриятини шараф билан бажариш йўлида астойдил ҳаракат қилаётган дала гвардиячиси социалистик мусобақада ғолиблик қилаётир. Суратда: қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Х. Ғаппоров (ўртада) ва колхоз партия ташкилоти секретари И. Муродовлар ғолиб механизаторга кўчма вимпел топширишмоқда.

П. Эргашев фотоси.

ШОЛИ ПЛАНИ 3 ОКТЯБРДА БАЖАРИЛАДИ

БЕКОБОД (Тошкент области). (ЎзТАГ). Бекобод районидаги «46 лет Октября» ихтисослаштирилган шоликорлик совхозининг коллективи шоли ўришга киришди. Ипатоволиклар тажрибасига биноан бўлимларда тўртта ўрим-йиғим транспорт отряди тузилган бўлиб уларнинг ҳар бирига 16 тадан комбайн бириктиб қўйилган.

Дастлабки кунларданоқ тўртинчи ўрим-йиғим транспорт отрядининг механизаторлари энг юқори меҳнат унумдорлигига эришдилар. Бу ерда ҳар бир комбайнчининг ўртача иш унумдорлиги кунига бир ярим гектарни ташкил этади, илғор механизаторлардан Валерий Кокай, Бахтиёр Юсупов, Анатолий Тен, Музир Абдулин ва бошқалар эса икки ярим гектардан шоли ўриб 10—12 тоннадан «садаф дон» янчмоқдалар.

Совхоз коллективи йиллик планни 3 октябрда, гектар бошига 50 центнердан шоли етиштириш мажбуриятини эса 15 октябргача бажаришга аҳд қилди.

ЖАРАЁНЛАРНИ АВТОМАТЛАР БОШҚАРАДИ

XX асрни биз ҳақли равишда автоматика асри дея оламиз. Автоматик қурилмалар ёрдамида юз минглаб даража иссиқлик ва ўн минглаб атмосфера босими остида борувчи жараёнларни бошқариш имкониятига эга бўлинмоқда. Автоматика шундай ютуқларга эришмоқдаки, биз бу фан ёрдамида ердан туриб галактиканинг истаган планетасида содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида аниқ маълумотлар оламиз.

Ҳозирги кунда автоматика ютуқларидан фойдаланмаётган халқ хўжалигининг бирор тармоғи бўлмаса керак. Халқ хўжалигининг айниқса кимё, космонавтика, электроника каби тармоқлари билан автоматиканинг алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Республикамизда муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган кимёвий жараёнларни автоматлаштириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Институтимизда кимёвий жараёнларни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаштириш кафедрасининг ташкил этилганига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, кафедрада олиб борилаётган ишлар ҳозир барча мутахассисларнинг диққат марказида турибди. Технологик жараёнларни оптималлаштириш, уларнинг математик моделларини яратиш ҳамда автоматик бошқариш системаларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар ўзининг дастлабки самараларини кўрсатмоқда. Биргина «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида жорий этилган автоматик бошқарув системалари йилига миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий фойда бермоқда.

Кафедрада олиб борилаётган муҳим илмий-тадқиқотлардан яна бири ёғ экстракция заводларидаги технологик жараёнларни оптималлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган. Маълумки, ҳозирги пайтда республикамиз ёғ-мой комбинатларида пахта ёғи асосан чигит мағзидан пресслаб экстракциялаш ёрдамида ажратиб олинади. Ёғнинг сифати ва миқдори экстракциялаш жараёни қандай қурилмада олиб борилаётганлиги, қандай эритувчи ишлатилишига ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Техника фанлари кандидатлари доцент А. Ортиқов, С. Қосимов, Б. Мавлонқориев ва Ш. Нуриддинов ўртоқлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар ёғ-мой экстракциялаш заводларидаги технологик жараёнларни бошқариш системалари ёрдамида комплекс текширишга қаратилган. Бу изланишлар натижасида экстракция, дистиляция, буғлатиш каби муҳим жараёнлар математик моделлаштирилди. Оптимал бошқаришнинг алгоритмлари, жараёнлар группа динамикасининг методлари яратилди. Асосий сифат параметрларини ўлчашга имкон берадиган янги информация-ўлчов системалари ва асбоблари ишлаб чиқилди.

Лабораторияларда олинган натижалар ёғ-мой комбинатларида синовдан ўтказилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Авторлар коллективи томонидан яратилган экстракция жараёнини оптимал бошқаришга имкон берадиган янги автоматик ўлчов асбоблари ёшлар илмий-техника ижодига бағишланган кўргазмаларда, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида кумуш, бронза медаллари ҳамда дипломлар билан тақдирланди.

Сифат ва самарадорлик беш йиллигида барча меҳнат коллективлари аҳолини сифатли маҳсулотлар, кенг истеъмол моллари билан таъминлашга даъват этилганлар. Республикамизда кўплаб ишлаб чиқариладиган пахта мойи сифатини оширишга, ёғдаги оқсил, фитин каби муҳим бирикмаларнинг йўқолишини камайтиришга қаратилган оптимал бошқариш системаларининг яратилиши автоматика фанига қўшилган муҳим ҳиссадир. Авторлар коллективи томонидан бажарилган тадқиқотлар илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга деб биламиз. Самарали тадқиқотлар эвазига авторлар коллективи республика Ленин комсомоли мукофотига муносиб номзод бўла оладилар.

Д. ЮСУПОВ,
Тошкент политехника институти катта ўқитувчиси, кимё фанлари кандидати.

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли тошни қайта ишлаш ва тош қазиш корхоналарининг коллективлари Тошкент метрополитенининг биринчи навбати учун мармар ва гранит буюмларни муддатидан аввал тайёрлаш юзасидан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Тармоқ корхоналарининг меҳнатчилари мармар ва гранитдан тайёрланган буюмларни юбилей йилининг энг муҳим ишга тушириладиган объектларига етказиб бериш топшириғини бажариш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

СОВЕТ «ТОКАМАК» УСТАНОВКАСИ ЧЕХОСЛОВАКИЯДА

● ПРАГА. Чехословакия Фанлар академиясининг физика институтида Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган «Токамак» плазма установкаси ишга туширилди. Бу установка Чехословакия олимларига бошқариладиган термо-ядро реакциялари соҳасидаги илмий-тадқиқотларни кенгайтириш имкониятини беради.

Институт ходимлари ҳар иккала мамлакат олимлари ўртасида фаннинг турли соҳаларида, биринчи навбатда унинг энг прогрессив йўналишларида самарали ҳамкорлик ривожланаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

АНТАРКТИКА — ИНСОНИЯТ ХИЗМАТИДА

● ЛОНДОН. Бу ерда Арктика тўғрисидаги шартномада қатнашаётган мамлакатларнинг 9-маслаҳат кенгаши очилди. Кенгашда 13 мамлакат, шу жумладан СССР қатнашмоқда. Кенгашдан мақсад—илмий тадқиқотлар ва Антарктиканинг табиий ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида фикрлашиб олиш ва ахборотларни айирбошлаш, шунингдек бу соҳада шартномада қатнашувчи ҳукуматлар учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

КАШАНДАЛАРГА ҚАРШИ ДЕКРЕТ

● ПАРИЖ. Францияда жамоат жойларида чекиш ман этилган. Ҳукумат декретига мувофиқ лифтлар, мактаблар, касалхоналарда, болалар майдончалари ва шу сингариларда чекканлик учун жарима солинади. Транспортда, шу жумладан темирйўл транспортида атрофдагилар учун ҳавонинг софлигини таъминлайдиган етарли миқдордаги самарали шамоллатиш воситалари бўлган тақдирдагина транспорт ўринларининг ярми кашандаларга ажратилади.

ЙЎЛЛАР ХАТАРЛИ БЎЛМОҚДА

● ҚОҲИРА. Мисрнинг Кальювия вилоятида пассажирлар билан тўлган икки поезд бир-бирига қарши катта тезликда келаётган вақтда темирйўл вагонларининг зиналарида турган ўнлаб кишилар йиқилиб тушдилар. Натижада 15 киши ҳалок бўлди, кўп киши оғир яраланди.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги вақтларда Миср темир йўлларида фалокатларнинг тез-тез юз бераётганлиги темир йўл айрим участкаларининг авария ҳолатида бўлганлиги, шунингдек ҳаракат составининг техникавий нуқсонлари билан боғлиқдир.

ВАБО БИЛАН КУРАШ

● ДАККА. Бангладешда мамлакатнинг ғарбий ва жанубий районларида келиб чиққан вабо билан кураш давом этмоқда. Аҳоли эмланмоқда, дори-дармонлар тарқатилмоқда, қўшимча медицина марказлари очилмоқда. БСС агентлигининг хабар беришича, мамлакатда уч ҳафта ичида 1200 кишининг вабо касалига дучор бўлганлиги рўйхатга олинган.

(ТАСС).

ЛИВАННИНГ жанубида вазият янада кескинлашди. Исроил ҳарбий қўшинлари қўпорувчилик ҳаракатларини кучайтириб юбордилар. Улар Ливан территориясига мунтазам бостириб кириб, аҳоли пунктларини ўққа тутмоқдалар. Суратда: Ливан—Исроил чегарасида. Исроил патруллари янги бузғунчилик ҳаракатини тайёрламоқда.

ТАСС фотохроникаси.

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

ҲУРМАТГА САЗОВОР

Кишилар манфаати йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётганлар доимо ўзига нисбатан катта ҳурмат орттиради. Ана шундай одамлар жумласига почта ходимлари ҳам киради. Турғуной Раимқулова ҳам эл меҳрини қозонган алоқачидир. Унинг Тошкент алоқа техникумини битирганига анча йил бўлди. Шу давр ичида бой тажриба орттирди, одамлар билан ширин муомала қилишни ўргании. Дастлаб меҳнат фаолиятини Тошкентдаги Марказий почтада бошлаб, сўнгра 151-почтада давом эттирди.

Мана узоқ йиллардан буён Қорасув почтаси бошлиғи бўлиб ишлаяпти.

— Биз жуда катта территориядаги аҳоли пунктларига хизмат кўрсатамиз,— дейди Т. Раимқулова,— ҳар куни минглаб хат, газета, журнал ва посилка оламиз. Мингта яқин пенсионерга нафақа тарқатамиз. Ана шу хат-хабарларни эгаларига ўз вақтида етказиб иззат-ҳурмат орттирган почтальонларимиз кўп. Масалан, Рамзия Галиева бир неча йиллардан буён Қорасув посёлкасидаги аҳолига кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб келмоқда. Абдураҳмон Аҳмедовни эса К. Маркс номли колхоздагилар жонкуяр почтальон деб тилга олишади. У ҳам хонадонларга бенуқсон хизмат кўрсатиб мақтовга сазовор бўлмоқда.

...Почта ичи саранжом-саришта. Ҳар бир нарса ўз ўрнига қўйилган. Тартиб билан терилган газета-журналлар, хатлар, посилкалар киши диққатини беихтиёр ўзига жалб қилади. Кимдир узоқ манзилга янгилик олиб боришга, яна кимдир пенсионерлар ҳузурига шошилишади.

Саховатли хизмати туфайли ҳурматга сазовор бўлаётган Турғуной Раимқулова эса келган нарсаларни расмийлаштириш ва бошқаларга йўл-йўриқ кўрсатиш билан банд.

А. ҚОДИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири, Ўрта Чирчиқ райони.

ИНСТИТУТНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Тошкент Давлат университети ҳузуридаги ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти янги бинога кўчди. Энгельс кўчасида янги қурилган беш қаватли бинога аудиториялар, ўқиш кабинетлари ва 160 ўринли ётоқхона жойлашди.

Тошкент институти СССРда шу профилдаги энг катта институтлардан биридир. Бу ерда марксча-ленинча фаннинг, коммунистик қурилиш практикасининг энг муҳим проблемалари хусусида 50 га яқин махсус курс ўқитилади. Ўқув юрти тузилгандан буён ўтган ўн йил мобайнида КПСС тарихи, философия, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм ўқитувчиларидан 3 мингга яқин киши ўз малакаларини оширдилар.



ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

● Сўнгги йилларда Граждан авиацияси тезучар, қулай ва шинам ҳаво кемаларини қабул қилиб олди. Улар орасида Ил-62, Ту-154, Ту-134, Як-40 самолётлари йўловчиларнинг ҳурматини қозонган. Суратда: мамлакатда энг катта аэропортлардан бири Домодедоводаги лайнерларни кўриб турибсиз.

Н. Акимов ва В. Мастюков фотоси.

● Юқоридаги суратда Байкал-Амур магистралининг шарқий участкасида Украина қурувчилари бунёд этган биноларни кўриб турибсиз.

А. Шляхов фотоси.

● ГРУЗИЯ ССР. С. Оржоникидзе номли Поти кема ремонти заводида пландан ташқари «Комета» тез сузувчи кемаси муддатидан икки ой аввал тайёрланди. Суратда: Потида тайёрланган «Комета» кемаси синовда.

И. Чохонелидзе фотоси.
ТАСС фотохроникаси.





МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР СЛЁТИ

Тошкент шаҳридаги корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларининг партия ва жамоат ташкилотлари ажратган активлардан қарийб тўққиз минг киши шу кунларда 1978 йил учун газета ва журналларга обуна қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланиб жамоат матбуот тарқатувчиларининг 20 сентябрь куни бўлиб ўтган шаҳар слётида ана шу муҳим кампаниянинг вазифалари тўғрисида гаплашиб олинди.

Слёт қатнашчилари ҳозирги вақтда шаҳарда деярли ҳар бир оила бир неча газета ва журнал ўқиётганлиги ҳақида фахрланиб гапирдилар. Шу фактнинг ўзи Совет ҳокимияти йилларида шаҳар меҳнаткашларининг маданий ҳаётида гоят катта ўзгаришлар рўй берганлигини кўрсатувчи яққол далиллардан биридир.

Слёт қатнашчилари орттирган тажрибаларини ўртоқлашдилар, ўз иш планларини белгилаб олдилар. Улар партия матбуотини тарқатиш масаласига алоҳида эътибор бердилар.

(ЎзТАГ).

«БЕШИНЧИ ФАСЛ»НИ ЎҚИБ...

ТАҚРИЗ

Шеъриятимиз — ҳаракатда, изланишда. Бу — назмимиз келажакда янги-янги ранг ва оҳанглар касб этишидан далолат. Ана шундай далолатлардан бири — Муҳаммад Солиҳнинг қўлимиздаги қалдирғоч китобчасидир...

Шеърият кўпинча оддийликда ғайриоддийликнинг, одатийликда ғайриодатийликнинг тажассум топишидан бошланади. Китоб муқовасидаги «Бешинчи фасл» деган атаманинг ўзиёқ шунга ишора қилади. Тўрт фаслнику биламиз, бешинчиси қанақа экан? Шоир шеърга лаб очиши билан ғайриодатий нарсалар ваъда қиляпти. Ваъдаси чинмикин?

Биз тоғлар қошидан
поездда учдик,
Қўл силтадик уларга гоҳо
дарёдан.
Минг бор «салом»лашиб,
минг «хайрлашдик»,
Тоғлар-чи, пиёда... пиёда...
Улар жуда секин
боришаётир,
Учиш истаклари йўқдир
самода.
Шундоқ ҳам етарлар
бамайлихотир.
Ўзга асрларга пиёда...

Варақлашда давом этамиз: «Сўнгги имкон», «Аёл пайдо бўлди ховлида», «Уйғониш», «Ер — денгиз», «Хайрлашув»... Мўъжаз шеърий парчалар бизни ром этади, мутолаага иштиёқ уйғотади. Хўш, ўзи нима гап? Шоир турфа-турфа руҳий ҳолатларнинг суратини чизади, чизганда ҳам ғайриодатий қилиб чизади. Бунинг сири нимада экан?

Бу — ўша ҳолатларнинг нозик имо-ишоралар орқали пардали қилиб чизилишида. Маълумки, инсон идроки ҳамма нарсани рўй-рост, бор «бойлиги» билан кўришга интилади. Бироқ, таажжубки, у ўзи истаган ҳалиги нарсани бир йўла яланғоч кўришни унча хуш кўрмайди ҳам. Шу боисдан маълум даражада пардаланган ҳолатлар, маъноларга ўч бўлади. Пардаланган нуқталар уни талпинтиради. У эса шу талпинишни севади, талпинишдан чарчамайди. Талпиниш — унинг ҳаёти...

Муҳаммад Солиҳ шеърлари ўз йўналишига кўра, кейинги ўн-ўн беш йил ичида шеъриятимизга кириб келаётган янгиликнинг янги бир тўлқини. Бу янги тўлқин бизда Европа назми, Ғарб шеъриятидан баҳраварлик натижаси ўлароқ, майдонга келди. Дастлаб у қай бир жиҳатлари билан Асқад Мухтор қаламида чирой очди... Кейинроқ Рауф Парфи, Сулаймон Раҳмон, Муҳаммадали Қўшмоқов, Тилак Жўра, Тоҳир Қаҳҳор каби бир қатор ёшларимизнинг машқларида турланиб кўзга чалинди. Бу — минбар шеърлар эмас. Фикр ва туйғуларнинг бир-бири билан баҳс-мунозарага киришиб, мунтазам бир оқим касб этишга, тингловчилар қалбига бир варакай урилиб, уларда бир йўла яхлит акс-садо, таассурот туғдиришга ҳам даъвогар эмас. Улар — бизни бир бурчакка тортиб, ўз дардини шивирлаб айтаётган улфатга ўхшайди. Шунинг учун ҳам ширин. Уларда ҳаёт гўзаллиги енгил бир қалам ҳаракати билан жажжи бир лавҳага жо этилади. Шу сабабли ҳам жозибали. Уларнинг образ ва ташбиҳлар системаси кескин шартлиликка суянади...

Ҳаммамизга маълум

аксарият шеърлар — сара шеърлар. Мавзуи ҳам, ғояси ҳам — ёш, безовта руҳнинг тараннолари. Улардан ўқувчи баҳраманд бўлиши муқаррар. Ёш муаллифнинг сўзни саралаб, сайқаллаб, санжоб ишлатиши кишини қувонтиради.

Бироқ, таъбир жоиз бўлса, унинг бу «ғарбона» йўлида учрайдиган баъзи хавф-хатарлар ва уларнинг натижаси ўлароқ юз берадиган айрим қусурлардан огоҳ этишни истардик.

Шоир ўз услубига кўра нур ва сояларнинг омонат чизиғи бўйлаб юради. Сал оғса, тамом, нариги ёғи — туман, мавҳумот! «Севгининг бир сояси» фикримиз гувоҳи.... Мен бу шеърни ҳар ҳолда тушунаман. Лекин оммавий китобхонни ҳам унутмаслик, шартлиликнинг зарур меъёр ва мезонини қўлдан чиқармаслик керак. Жумладан, унинг «Мен бу пахталарнинг оқини...» деб бошланувчи шеърини кўздан кечирайлик:

Мен бу пахталарнинг
оқини,
Ё тоғларни
кўтаришган туғ,
Ердаги аждодлар хокини
Мовий руҳин кўкдаги
улуғ —
Барини мен қандай
айтаман?..

Мавҳум ва ҳаттоки, гап қурилиши жиҳатидан айқаш-уйқаш...

Тўплам муаллифи ғайриодатийлик изидан қувиб, баъзан эстетик туйғу жиловини қўлдан чиқазиб қўяди. Натижада ташқи томондан ғалати, аммо аслида ғайри эмоционал мисралар қоғозга тушади.

Ҳар ҳолда...
Баъзан юрак бўғзига келар,
Оғизларимга келади
шундоқ.
Шунда осон, эҳ, қандай
осон
Бу юракни туфлаб
ташламоқ!

Эҳтимол айрим таниқли авторларда бундан ҳам баттар, «фавқулодда» ташбиҳлар учрар. Лекин бу уларни эстетик жиҳатдан оқлашга далил бўлолмайди.

Агар биров кўргилик
Юз бергандай бўлса
мабодо,
Мендан ёрдам сўра,
Жоним!
Шунда ўлмайман мен
Ёрдам сўраётган
аёл қошида...

«Бешинчи фасл»га кирган

«Бешинчи фасл»ни ўқувчилар қизиқиш билан кутиб олишлари, шубҳасиз.

Жамол КАМОЛ.

Суратда: ТошМИ массивида қурилган янги замонавий турар-жой бинолари.

М. Нуриддинов фотоси.

НИҚОБЛАНГАН ЖИНОЯТЧИ

ҲАР сафар Анвар Гатин режасини амалга оширишга отланганда, бир неча кунлаб ўзи овора бўлиб ясаган ниқобларни киярди-да, узоқ вақт ойна олдида «образ»га кирарди. Аввалги қиёфаларидан бу сафаргиси тубдан фарқ қилишига ишонч ҳосил қилгач, уни ижро этарди.

Ҳурматли газетхон, Анвар Гатин қандай актер экан деб ўйламанг. Олмалиқдаги 2-механизациялашган кўчма колоннада номигагина ишлаб, аслида жиноятчиликни «касб-кор» қилиб олган бу шахс, шунчалик устаси фаранглардан эдики, у ҳар сафар қиёфасини ўзгартириб қилмишларини ҳам турли жойларда амалга оширарди. Эрта тонгда ишга отланган ёки турли сабаблар билан уйига кеч қайтаётган аёлларнинг йўлини тўсарди.

Бинокорлар маданият ва истироҳат боғи ва металлурглар маданият саройи атрофларида содир бўлган икки жиноят бир-бирига ўхшасада милиция ходимлари бунинг изини йўқотган эдилар. Шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлими ходимлари зудлик билан кўрган тадбирлар натижа бермади. Жиноят содир бўлган жойдаги одамлар билан қилинган суҳбатлар, гумон қилинган шахслар билан ўтказилган савол-жавоблар ҳам бефойда бўлди.

Жиноят қидирув бўлими бошлиғи, милиция лейтенанти Қосим Жўраев ходимларни тўплади:

— Мана бугун Никифорова деган аёлнинг ҳам йўлини тўсишипти. Менимча бу ўша «актёр»нинг иши. Йўлтўсарни қандай бўлмасин дархол қўлга олиш керак.

Оператив группа тажрибали ходимлар билан кенгайтирилди. Жиноят қидирув бўлими катта инспекторлари Абдулла Убайдуллаев ва Мурод Равшанов, участка инспектори Абдуқосим Юзбоевлар ҳам бу ишга жалб этилди.

— Йўлтўсар жиноятчига ўз қуроли билан қарши курашсак-чи? — таклиф қилиб қолди ходимлардан бири.

— Қандай қилиб?

Ходим режасини ўртоқлашди.

Меҳмон қиёфасига кирган милиция сержанти Фая Гафиседа қўлда чемодан билан эрта тонгда ва ярим тунлари бир ўзи кўча кезди. Бир ҳафта деганда спортчи қиёфасида «ов»га чиққан Анвар Гатинга рўбарў бўлди...

Милиция ходими йўлини тўсиб, унинг буюмларига тажавоуз қилган Анвар Гатин қўлга олинди.

Йўлтўсар жиноятчи разил қилмишлари учун муносиб жазосини олди. У 9 йил озодликдан маҳрум этилди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

СПОРТ

ОЛИЙ ЛИГАДА НИМА ГАП

Ўтган куни Москвадаги «Динамо» стадионида турнир жадвалининг сўнгги қаторидан «мустаҳкам» ўрин олган «Крылья Советов» футболчилари Марказий Армия спорт клуби билан учрашдилар. Мавсумнинг бундан олдинги матчларида кетма-кет 9 марта мағлубият аламини тортган «Крылья Советов» командаси бу сафар анча уюшқоқлик билан ўйнаб, учрашувни 1:0 ҳисобида якунлади.

Киев ва Москва динамочиларининг ўйини 15 октябрга кўчирилди. Олий лигада ҳамон Тбилиси, Киев ва Москванинг «Динамо» командалари пешқадамлик қилишмоқда. Турнир жадвалининг сўнгги қаторларини эса «Крылья Советов» (9 очко) ва «Карпат» (18 очко) эгаллаб турибди.

ТОШКЕНТЛИК БОКСЧИЛАР ЮТУҒИ

Бир неча кундан бери Озодлик ороли Кубанинг пойтахти Гаванада дўстлашган армиялар Спартакиадаси давом этди. Спартакиадада СССР Қуролли Кучлари терма командаси яхши натижаларга эришди. Боксчилар командаси составида тошкентлик спортчилар маҳорат билан қатнашдилар. Вазни 60 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида муваффақиятли қатнашган Дмитрий Грубов олтин медаль олишга сазовор бўлди. Вазн категорияси 75 килограмм бўлган боксчилар орасида яхши натижа кўрсатган Владимир Шин эса кумуш медаль олди.

СОВЕТ ХОККЕЙЧИЛАРИНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Маълумки, Чехословакиянинг пойтахти Прагада «Руде право» газетасининг соврини учун ўтказилаётган халқаро хоккей турнири ниҳоясига етмоқда. Совет Иттифоқи терма командаси Жаҳон хоккей уюшмасининг «Цинциннати Стингерс» профессионал командасининг хоккейчилари устидан муҳим ғалабага эришди. Ғалабани таъминлаган шайбаларни Лутченко, Михайлов, Харламов, Петров ва Балдерислар киритишди. Аммо шуни қайд қилиш керакки, бу матч хоккейчиларимиз учун осон бўлмади. Ўйин охирларидагина омад совет хоккейчиларига кулиб боқди. Судьялар протоколида 5:2 ҳисоби қайд қилинди.

ТЕННИС БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

Тошкентдаги «Буревестник» теннис кортида Ўзбекистон шахсий — команда биринчилиги бўлиб ўтмоқда. Команда биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. «Буревестник» жамиятининг теннисчилар командаси динамочиларни 10:2 ҳисобида ютиб, республика чемпиони номини қўлга киритишди. Пойтахт спартакчилари эса «Локомотив» устидан 9:5 ҳисобида устунликка эришиб, 3-мукофотли ўринни эгаллашди.

Чемпионат шахсий биринчилиги учун мусобақалар қизғин бошланиб кетди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

24 СЕНТЯБРЬ СОАТ 15.00 ДА

БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ДИЛАФРУЗ ЖАББОРОВА.

Солистлар: Дилором ҚАЮМОВА, Назира ШЕРАЛИЕВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Ҳавасхон ИСКАНДАРОВА, Ғуломжон ЁҚУБОВ, Бахтиёр ХОЛХУЖАЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Зуҳра ҚОДИРОВА, Аҳмаджон ШУКУРОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Ансамблнинг бадиий раҳбари, композитор Мирхалил МАҲМУДОВ.

Музика раҳбари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Сайфиддин ЙЎЛДОШЕВ.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ «ЯШИЛ» ТЕАТРИДА

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

22 сентябрь соат 19.00 да ЛИРИК ХОНАНДА

ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ

ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

Қатнашадилар: Алижон ҲАСАНОВ, Аҳмаджон ШУКУРОВ, Фотима БАРАТОВА, Сора ШУКУРОВА, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Изомжон САДРИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Раҳима РИХСИЕВА.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Программани — Сора ШУКУРОВА олиб боради.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

«Ўзбекконцерт»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22 ва 23 сентябрь соат 20.00 да

ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ ЖЎРЛИГИДА

ЛАОС КУЙ ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

24, 25 сентябрь соат 17.00 да

«СТРОИТЕЛЬ» (Темиртау)— «БИНОКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ХОККЕЙ

(ўртоқлик учрашуви).

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

46-02-50 телефон номери бўйича справкалар олиш мумкин.

«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» номли тажриба хўжалигига берилган 464875—464900 номерли йўқолган

ЧЕК ДАФТАРЧАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ОРБИТА-3» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Янгиликлар. 9.10 — Эрталабки гимнастика. 9.30— Горничлар, қаердасиз. 10.15— Шахсий бахт. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.25 — Бизнинг биография. 1970 йил. 14.40 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.10 — Драматургия ва театр. Б. Шоу. 2-кўрсатув. 16.00 — География тадқиқотлар тарихидан. 16.30 — Концерт. 16.55 — Шахмат мактаби. 17.25 — Адабий ўқиш. 17.50 — Олға, болакайлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ўйнаб, қўшиқ куйлаймиз. 19.30 — Конституция лойиҳаси ҳақида суҳбатлар. 20.00 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. Совет Белоруссияси. 22.00 — «Вақт». 22.40 — Баскетбол бўйича Европа чемпионати.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Зоология. 12.00 — Телевизион фильм. 12.30 — Зоология. 13.00 — «Салют, Октябрь!» (Такрорий кўрсатув). 14.00 — Концерт. 18.25 — Кўрсатувлар программаси. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — Физкультура ва спорт. 19.15 — Адабий театр. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Қуёшли Ўзбекистон қўшиқлари. Телевизион фильм-концерт. 21.00 — Ахборот. 21.20 — «Прогресс» программаси. 21.40 — Фильм-концерт. 22.00 — Москва. 22.30 — Ўзбекистон чорвадорлари. 22.45 — Жаноби олийларининг адъютанти. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05—Болалар учун фильм. «Коля, Оля ва Архимед». 19.25 — Қолган бутун умр мобайнида. Бадиий фильм. 4-серия. 20.30 — Тошкент янгиликлари. 20.50 — Врач экрани. 21.20 — Концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22|IX да Севилья сартароши, 23|IX да Севги тумори.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22|IX да Уйланиш, 23|IX да Қалби олов.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22|IX да Корчалонлар, 23|IX да Корчалонлар.

КИНО

Она — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ўз билганича яшамоқ — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Балоғатга етмаган ёшлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Арвоҳ-кема — «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Ютуқ — «ЯНГИОБОД» (кундуз ва кечқурун).

Тошкент область ижроия комитети аппаратининг коллективи ташкилий бўлим инструктори Ш. Т. Исмоиловга отаси

Миртурсун ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги Республика информацион-ҳисоблаш маркази коллективи шу корхонанинг собиқ бўлим бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи

Миртурсун ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари корхонанинг кекса аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 1965 йилдан буён КПСС аъзоси

Ориф ТУРАХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 01634 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. 1711.